№ 12

**ТАНIYATOSH IES" АЖда Ёнғин-қутқарув бўлинмасини ташкил этиш буйича**

**ШАРТНОМА № 1**

2022 йил "06" январь Нукус шаҳри.

Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармасининг келгусида "ФВБ" деб номланувчи, Низом асосида фаолият юритувчи раҳбари А.С.Давлетов бир тарафдан ва **"ТАНIYATOSH IES" АЖ** кейинги ўринларда Хўжалик органи деб номланувчи, номидан Низом асосида фаолият юритувчи Бош директор Ф.С.Халилаев иккинчи тарафдан ушбу шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**I. Шартнома предмети**

1. «ФВБ» «Хўжалик органи» объектларида Ёнғин-қутқарув бўлим (бўлинма, пост) ни ташкил этади ва Ўзбекистон Республикаси ФВВнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда ёнғинни олдини олиш ва ёнғинларни ўчириш ишларини олиб боради. Объектлар рўйхати идоралараро комиссиянинг 20___ йил "__" ___________ кунидаги далолатномаси билан белгиланган.

2. Объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмасининг штат бирлиги 57 нафар, унинг фаолиятига раҳбарлик ва назорат қилиш учун "ФВБ" бошқарув органи таркибига 2 нафар бирлик киритилади. Белгиланган вазифаларни бажариш учун ёнғин хавфсизлиги депоси 4 дона асосий ёнғин ўчириш автомобиллари 1 дона енгил ва хўжалик автомобиллари билан таъминланади.

**II. Тарафларнинг мажбуриятлари**

**3. Объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаларининг мажбуриятлари:**

содир бўладиган ёнғинларни тезкорлик билан бартараф этишга қаратилган чора тадбирларни кўриш, уларни мавжуд куч ва воситалар ёрдамида ўчириш, улар билан боғлиқ биринчи навбатдаги авария-кутқарув ишларини олиб бориш;

участка, сектор, пост ва дозорлар жойлашуви (дислокация)га асосан ёнғинга қарши ҳолатни кузатувини амалга ошириш;

давлат ёнғин назорати органларига берилган ваколатлар доирасида ёнғин хавфсизлиги талабларини бузиш ҳолатларига барҳам беришга қаратилган чораларни кўриш;

ёнғинга хавфли ишларни олиб боришда ёнғин хавфсизлиги талабларини бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш;

ёнғинни ўчиришни ташкил этишни режалаштирувчи ҳужжатларни тайёрлаш ва авария оқибатларини бартараф этишда иштирок этилишини таъминлаш;

ёнғин хавфсизлиги талабларини белгилаб берувчи йўриқнома ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқиш ҳамда келишиш;

«Хўжалик органи» ишчи-хизматчиларини ёнғин хавфсизлиги талабларина ўқитиш бўйича йўриқнома ва ёнғинга қарши тарғибот-ташкибот ишларини олиб бориш;

объектдаги ёнғин-техник комиссияси фаолиятида иштирок этиш, кўнгилли ёнғин ўчирувчиларни тайёргарлигини ташкил этиш;

ёнғинлар ва ёнғин чиқиш хавфини келтириб чиқарган аварияларга олиб келувчи сабаб ва шароитини аниқлаш, уларни олдини олишга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқишда иштирок этиш;

қурилиш, капитал таъмирлаш, реконструкция, кенгайтириш ва техник қайта жиҳозлаш ишлари учун лойиҳа-смета хужжатларида ёнғин хавфсизлигини талабларини инобатга олинганлигини кўриб чиқиш ва ёнғин хавфсизлиги талабларини киритилиши юзасидан таклифлар тайёрлаш;

ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқлиги текшириш, уларни ёнғинга хавфини камайтиришга қаратилган таклифларни тайёрлаш;

ёнғинга қарши автоматика тизими, муқим ёнғин ўчириш қурилмалари, ёнғинга қарши сув таъминоти ва тутундан ҳимоя тизими, шунингдек бирламчи ёнғин ўчириш воситаларининг ишчи ҳолатини текшириш;

портлаб-ёниш хавфи бўлган хоналарни иш вақти тугаганидан сўнг ёпилишидан олдин кўрикдан ўтказишда иштирок этиш;

объектнинг ёнғинга қарши ҳолати ва бу борада ўз ечимини топмаётган муаммолар юзасидан тегишли чораларни кўриш ва қарор қабул қилиш учун «Хўжалик органи» раҳбарига маълумот киритиш.

**4. «Хўжалик органи»нинг мажбуриятлари:**

шартноманинг 1, 2-бандларида кўрсатилган объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркиби учун кетадиган сарф-ҳаражатларни, фойдаланиш учун берилган бино ва иншоотлар, ёнғин ўчириш техникаларини таъмирлаш харажатларини қоплаш, Ўзбекистон Республикаси ФВВ томонидан белгиланган меъёрлар асосида зарур материаллар, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, ёнғин ўчириш ва бошқа техника, шунингдек, жиҳоз ва анжомлар билан таъминлаш;

давлат ёнғин назорати органлари томонидан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида талаб (ёки тақдим) этилган чора-тадбирларни ижросини таъминлаш;

ёнғин хавфсизлиги масалалари бўйича ишлаб чиқилган хужжатларни объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси билан келишади;

бажараётган вазифалардан келиб чиққан ҳолда объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркибини объектдаги техника хавфсизлиги қоидаларига ўқитиш ва меҳнат муҳофазаси тадбирларини амалга ошириш;

зарарли ва ўта зарарли меҳнат шароитида хизмат қилаётган объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркибига иш жойларини аттестациядан ўтганлигини инобатга олиб «Хўжалик органи»нинг ходимлари учун бериладиган имтиёзлар билан таъминлаш;

объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркибига тиббий, санатория-курорт, ижтимоий-маиший хизмат кўрсатилиши, шунингдек, «Хўжалик органи»нинг ишчи-хизматчилари билан тенг холда яшаш майдони билан таъминлаш;

объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркибини жисмоний ва руҳий тайёргарлиги учун машқ мажмуасини қуриб бериш;

«Хўжалик органи»ни «ФВБ» ходимларини ҳафтанинг барча кунларида корхона ишчи хизматчиларини келиб кетишлари учун белгиланган соатларда қатновчи барча йўналишлардаги вахта автобуслар билан хизматга қатнашлигини таъминлашни ўз зиммасига олади;

«Хўжалик органи» раҳбари, объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркиби хизмат фаолияти, уларнинг қўйилган вазифаларни бажаришга тайёрлиги, фойдаланиш учун берилган бино, иншоот, хоналар ва моддий-техник воситаларни текшириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этишга кўрсатма беришга ҳақли.

## III. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоб-китоб тартиби

5. Мазкур шартноманинг баҳоси, шартноманинг 1,2-бандларидаги объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркиби ҳаражатларидан келиб чиқиб йиллик сумма 5268875280 (Беш миллиард икки юз олтмиш саккиз миллион саккиз юз етмиш беш минг икки юз саксан) сумни ташкил этади.

6. Иш ҳақи миқдори Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иш ҳақи миқдорини ошириш тўғрисидаги қарорлари тасдиқлангандa ҳаражатлар сметасига тегишли ўзгартириш киритиш юзасидан қўшимча келишув расмийлаштирилиши билан оширилади.

7. Шартнома бўйича пул туловлари «Хўжалик органи» томонидан ҳар ойда тугалланган ойнинг 5 санасидан кеч булмаган «ФВБ»нинг ҳисоб рақамига ўтказиб берилади.

8. Объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркиби ва бўлинманинг молиялаштирилиши ўзгарган тақдирда ҳаражатлар сметаси тегишли ўзгаришлар билан бирга «Хўжалик органи»га топширилганидан сўнг, 10 кундан кеч бўлмаган вақт ичида кўриб чиқилади, тўловнинг фарқи ўзгариши тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сунг 1 ойдан кўп бўлмаган вақтичида тўланиши кафолатланади.

## IV. Шартноманинг бажарилиши

9. Мазкур шартнома ва қонун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

Агар тарафлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилиши таъминланса, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

10. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир тарафлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно.

## V. Тарафларнинг жавобгарлиги

11. Шартнома мажбуриятларини бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун тарафлар Ўзбекистон Республикаси худудида амал қилувчи қонунчилик меъёрларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

12. Объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркиби томонидан кўрсатилган хизматлар учун ўз вақтида хақ тўланмаган тақдирда «Хўжалик органи» «ФВБ»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

13. Томонлар ушбу шартноманинг мажбуриятларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонларнинг хоҳишидан ташқари шартнома мажбуриятларини бажарилишига тўсқинлик қилувчи (ҳарбий ҳаракатлар, авария, табиий офат, эпидемия) холатлар юзага келганда жавобгарликдан озод этилади.

## VI. Низоларни ҳал этиш тартиби

14. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

15. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар, агар томонларнинг музокара ва маслаҳатларида ўз ечимини топмаган бўлса, жавобгар жойлашган манзилдаги Иқтисодий судга юборилади.

## VII. Шартноманинг амал қилиши

16. Мазкур шартнома 1 (бир) йил муддатга тузилган бўлиб, тарафлар имзолаган кундан амалга киради ва тарафлар томонидан шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармагунига қадар амал қилади.

17. Шартномани муддати тугашидан уч ой олдин томонлардан хеч бири уни тўхтатилишини талаб қилмаса, бу ҳолда шартнома илгари белгиланган шарт ва муддатларга узайтирилган ҳисобланади.

18. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига кўра ёки бошқа тараф шартнома мажбуриятларни бажармаслик ёки сифатсиз бажарилиши юзасидан тарафлардан бирининг ташаббуси билан бекор қилиниши мумкин. Бунда амалдаги қонунчиликка асосан «Хўжалик органи» ташаббуси билан шартномани муддатидан илгари бекор қилиш ёки объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмасини қайта ташкил этиш ёки фаолиятини тугатиш, шунингдек

объектдаги Ёнғин-қутқарув бўлинмаси шахсий таркибини ишдан бўшатиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаб бериши шарт.

## VIII. Якуний қоидалар

19. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вакил этиб тайинланган вакиллари томонидан имзоланиши шарти билан ҳақиқий хисобланади.

20. Мазкур шартнома тарафларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

## IX. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

| | |
|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси** | **"TAHIYATOSH IES" АЖ** |
| **Юридик манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳри А.Утепов кучаси рақамсиз уй | **Юридик манзили:** Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳри |
| **Телефон/факс: 226-96-78** | **Телефон:** |
| | **Факс:** |
| **Банкдаги хисоб-китоб хисоб варағи рақами:** 2020 3000 4005 7729 4002 Турон банк Нукус шаҳри филиали | **Банкдаги хисоб-китоб хисоб варағи рақами:** 20210000800314238001 Саноат қурилиш банк Қорақалпоғистон Республикаси худудий бўлими |
| **МФО**: 00585 **ИНН:** 202684187 | **МФО**: 0000616 **ИНН:** 200366401 |
| **«ФВБ»** | **«Хўжалик органи»** |
| **Қорақалпоғистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бошлиғи** | **"TAHIYATOSH IES" АЖ бош директори** |
| ________ **А.С.Давлетов** | ________ **Ф.С.Халилаев** |
| **М.Ў.** | **М.Ў.** |

YURIDIK EKSPERTIZADAN O'TKAZILDI
20__ yil "____" ________
BOSH YURISTKONSULT

"Утверждаю"

Начальник УЧС РК

подполковник

________Давлетов А.С

"___" январь 2022 г.

"Утверждаю"

Ген. Директор АО "TAHIYATOSH IES"

________Халилаев Ф.С

"___" январь 2022г.

**Р А С Ч Е Т   С М Е Т А на 2022 год**

на содержание отделения по организации обеспечения пожарной безопасности на объекте

АО "Тахиаташская ТЭС"

УП №6279 от 17.08.2021 г

| номер статей | Наименование статей | Расходы всего | в том числе по кварталам 1 кв | 2 кв | 3 кв | 4 кв |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | **1группа расходов итого** | **4577302365** | **1144325591** | **1144325591** | **1144325591** | **1144325591** |
| 4111100 | Форма оплаты труда | 3047509649 | 761877412 | 761877412 | 761877412 | 761877412 |
| | в т.ч.Денежное содержание | 3027935330 | 756983833 | 756983833 | 756983833 | 756983833 |
| | Ед.пособ по увольн с прав на пенсию | 19574319 | 4893580 | 4893580 | 4893580 | 4893580 |
| | Комп.выпл.взамен прод.пайка | 549158400 | 137289600 | 137289600 | 137289600 | 137289600 |
| | Фонд материал стимулиров ФМС 10% | 321677020 | 80419255 | 80419255 | 80419255 | 80419255 |
| | Единовременное вознограждение за БГ | 326238648 | 81559662 | 81559662 | 81559662 | 81559662 |
| | Материальная помощь | 163119324 | 40779831 | 40779831 | 40779831 | 40779831 |
| | Денеж компенс за наем (поднаем) жилья | 6480000 | 1620000 | 1620000 | 1620000 | 1620000 |
| | Единовременное вознограждение за НС | 163119324 | 40779831 | 40779831 | 40779831 | 40779831 |
| | **2 группа расходов итого** | **471024459** | **117756115** | **117756115** | **117756115** | **117756115** |
| 4121000 | Социальный налог ЕСП 12 % | 467946459 | 116986615 | 116986615 | 116986615 | 116986615 |
| | Отчисления на обязательное гос.страх | 3 078 000 | 769500 | 769500 | 769500 | 769500 |
| | **4 группа расходов итого** | **220548456** | **83166579** | **45793959** | **45793959** | **45793959** |
| 4211000 | Командировочные расходы | 24 372 000 | 6093000 | 6093000 | 6093000 | 6093000 |
| 4252110 | Расходы на приобр.автозапчастей | 6 000 000 | 1500000 | 1500000 | 1500000 | 1500000 |
| 4252200 | Расходы на приоб.обмундирования | 122 498 880 | 30624720 | 30624720 | 30624720 | 30624720 |
| 4252120 | Расходы на приоб. Бумаги | 1 595 772 | 398943 | 398943 | 398943 | 398943 |
| 4252500 | Расходы на ГСМ | 14 872 620 | 14872620 | | | |
| 4299990 | Полиграфические услуг | 10 000 000 | 10000000 | | | |
| 4354910 | Расходы на мебель | 5 000 000 | 5000000 | | | |
| 4354920 | Расходы на приобретение оргтехники | 7 500 000 | 7500000 | | | |
| 4299990 | долгосрочных льготных ипотечных кредитов для приобретения жилья согл ПКМ № 619 от 11.08.2017 г. | 28709184 | 7177296 | 7177296 | 7177296 | 7177296 |
| | **ИТОГО** | **5268875280** | **1345248285** | **1307875665** | **1307875665** | **1307875665** |

**Начальник ФЭО УЧС РК** **Казахбаев Е.**